

## ФАРХОД ВА ХИСРАВ ОБРАЗЛАРИНИНГ СОЦИАЛ ГЕРМЕНЕВТИК ТАЛҚИНИ

**Наргиза Рустамовна Юсупова**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” асаридағи Фарход ва Хисрав образларининг ўзаро муносати асосида ўрта аср Шарқидаги икки шахс муносабатлари социал герменевтик жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Фарход ва Хисравнинг ўзаро мулоқати ва муносабати социометрия усули орқали ўрганилар экан, бу усул бугунги кун шахслараро муносабатларини ўрганишда ҳам, уларнинг ўзаро муносабатларини қандай англаётганликларини тадқиқ қилишда ҳам аҳамиятли эканлиги унутмаслигимиз лозимдир. Социометрия усули орқали алоҳида гурӯхлар ўртасидаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари илмий таҳлилга олинади. Ушбу метод орқали шахслараро муносабатлар даражаси ва кўламини аниқлашда аниқ кўрсаткичлар таққосланади. Ҳозирги пайтда бу методдан фойдаланишда алоҳида ёшлар, жинслар, ҳар хил савиядаги инсонлар гурӯхларининг, улар ичида юз берадиган ўзаро муносабатларни тадқиқ этилишини кўришимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** герменевтика, социал герменевтика, социометрия, шахслараро муносабатлар, жамоалараро муносабатлар, мухаббат, ижтимоий тенглик.

### SOCIO-HERMENEUTIC ANALYSIS OF THE IMAGES OF FARHAD AND KHSORAV

#### ABSTRACT

The article examines the relationship between the two personalities in the Middle East from a social hermeneutic point of view, based on the relationship between the images of Farhod and Khisrov in Alisher Navoi's Farkhod and Shirin. While studying the interaction and relationship of Farhod and Khisrov through the method of sociometry, we must not forget that this method is important today both in the research of interpersonal relationships and in the study of how they understand their relationship. Through the method of sociometry, the interpersonal relationships of individuals between particular groups are scientifically analyzed. This method compares specific indicators in determining the level and scope of interpersonal relationships. Currently, using this method, we can see the research of individual youth, gender, groups of people at different levels, the interactions that take place within them.

**Keywords:** hermeneutics, social hermeneutics, sociometry, interpersonal relationships, community relationships, love, social equality.